



МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Умирзоқов Жаъсур Артиқбай ўғли -
Тошкент молия институти
таянч докторанти (PhD)**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a17

Аннотация. Мақолада маҳсус иқтисодий зоналарнинг иқтисодий мазмуни, ушбу зоналарда инвестицион фаолликни ошириши масалалари, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда муносаб ўрин эгаллашининг ушбу иқтисодий зоналардаги инвестиция оқимига таъсири кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва тавсиялар билдирилган.

Таянч сўзлар: маҳсус иқтисодий зоналар, саноат ва тадбиркорлик зонаси, халқаро рейтинг ва индекслар, хорижий инвестиция, бизнесни юритиш.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ В ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ

**Умирзоқов Жаъсур Артиқбай ўғли -
Тошкент молия институти таянч докторанти (PhD)**

Аннотация. В статье рассматривается экономическое содержание особых экономических зон, вопросы повышения инвестиционной активности в этих зонах, влияние достойного места Узбекистана в международных рейтингах на инвестиционные потоки в этих экономических зонах. По результатам исследования сделаны выводы и рекомендации по повышению инвестиционной активности в особых экономических зонах.

Ключевые слова: особые экономические зоны, промышленно-деловые зоны, международные рейтинги и индексы, иностранные инвестиции, ведение бизнеса.

ISSUES OF INCREASING INVESTMENT ACTIVITY IN SPECIAL ECONOMIC ZONES

**Umirzoqov Ja'sur Artiqboy o'g'li -
PhD student of Tashkent Institute of Finance**

Annotation. The article discusses the economic content of special economic zones, issues of increasing investment activity in these zones, the impact of Uzbekistan's worthy place in international rankings on investment flows in these economic zones. Conclusions and recommendations were made according to the results of the study to increase investment activity in special economic zones.

Keywords: special economic zones, industrial and business zones, international ratings and indices, foreign investment, doing business.

Кириш. Жаҳон миқёсида инвестицияларнинг глобал оқими учун “иқтисодий уруш”ларнинг тобора авж олиб бориши шароитида турли хил иқтисодий механизмлардан инвестицион фаолликни оширишда фойдаланиб келинаётганлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш керакки, шундай механизмлардан бири – маҳсус иқтисодий зоналар ҳисобланади. Ушбу худудларнинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан, худудлар иқтисодиётини ривожлантиришда алоҳида имтиёзларни белгилаш, меҳнат тақсимотини тобора чуқурлаштириб бориш, маҳсус ривожлантириш дастурларини қабул қилиш, худудлардаги айрим иқтисодий жиҳатдан ривожланиши паст даражали бўлган жойларда маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш тенденциялари ривожланбониб бормоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг самарали иқтисодий механизмларидан бири сифатида маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш амалиётидан кенг фойдаланимла.

Сабаби, ушбу худудларда давлатнинг бевосита иқтисодиётга аралашуви чекланган ҳолда, нисбатан эркин иқтисодий бошқарув йўлга қўйилади.

Шунингдек, халқаро амалиётда ишлатиб келинаётган “эркин иқтисодий худудлар” тушунчаси мамлакатимизда 2020 йил 17 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ[1], умумий маънода ушбу худудларга нисбатан “маҳсус иқтисодий зоналар” тушунчаси қўлланилиши белгиланган. Шу сабабли кўйида маҳсус иқтисодий зоналарга оид бўлган илмий тадқиқот натижалари ва иқтисодчи олимларнинг фикрларидан айнан ўзгаришсиз “эркин иқтисодий ҳудуд (зона)” биримасини келтириш орқали ҳам ифодаланилади.

Таъкидлаш керакки, “Эркин иқтисодий зоналар асосан йирик минтақавий бозорларга чиқиши имкониятига эга қулай географик худудлар ҳамда хом ашё ресурсларига бой худудларда барпо этилади. Бу мазкур иқтисодий зоналарда

ишлаб чиқариладиган ёки қадоқланадиган төварларни реализatsия қилиш имкониятини оширади. Саноати ривожланган давлатларда эса ушбу зоналар инфраструктураси ривожланмаган, давлатнинг бошқа ҳудудларига қараганда ривожланиш суръати паст даражада бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Бу ахолини иш билан таъминлаш, ички ва ташки молиявий ресурсларни улар ҳудудига йўналтириш, инфраструктураси ривожланмаган ҳудудларни ривожлантириш имкониятини вужудга келтиради”[4].

Бугунги кунда қатор йирик молия институтлари ҳамда илмий тадқиқот муасссалари, жумладан, Жаҳон банки (World Bank), Молия ва суғурта маслаҳатлари хизматлари ташкилоти (Financial and Insurance Advisory Services (FIAS)), Халқаро молия корпоратсияси (The International Finance Corporation (IFC)), Федерального государственного учреждения «Федеральный исследовательский центр «Информатика и управление» Российской академии наук», Princeton University (USA), Корея Инвестиция агентлиги кабиларнинг илмий тадқиқотларида ҳудудий иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсус иқтисодий зоналар ва улардаги инвестицион фаолликни ошириш масалалари доимиий диққат марказида эканлиги мазкур масалаларнинг долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатиб туради. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси ҳисобланган UNCTAD (United Nations Conference on Trade and Development) халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинган “World Investment Report-2019” ҳисоботида қўйидагича таъкидланади: “Маҳсус иқтисодий зоналар кўпчилик ривожланаётган ва кўплаб ривожланган иқтисодиётларда кенг қўлланилади. Ушбу географик жиҳатдан чегаралangan ҳудудларда ҳукуматларнинг молиявий ва тартибга солувчи имтиёзлар ҳамда инфратузилмани қўллаб-қувватлаши орқали иқтисодиётга инвестициялар оқимини фаоллаштиради.

Бугунги кунда 147 та давлатларда 5400 га яқин зоналар мавжуд бўлиб, бу 5 йил аввал 4000 га яқин бўлган ва 500 дан ортиқ янги маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этилиши кутилоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маҳсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатлари ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда муносаб мавжудлиги қайд этилган.

Адабиётлар таҳлили. Юқоридагилар асосида тадқиқотимизнинг долзарблигидан келиб чиқиб, маҳсус (эркин) иқтисодий зоналар фаоллигини оширишнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатлари ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда муносаб ўрин эгаллашининг мазкур

зоналар инвестиция оқимига таъсири борасида жаҳонда ва Ўзбекистонда қатор илмий тадқиқот муасссалари, рейтинг агентликлари, иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг илмий ишларини ўргандик.

Хорижий давлатлар иқтисодчи олимларидан T.Farole ва F.Dobrogonov “Маҳсус иқтисодий зоналар ривожланаётган давлатлар учун кўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиб беради ҳамда давлатларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиради. Айни бир вақтда ушбу иқтисодий тузилмалар минтақавий иқтисодий интеграторларини кучайтириш воситаси сифатида ҳам хизмат қиласи. Шунингдек, давлатнинг халқаро майдонда эгалланган ўрни ушбу зоналар ривожланишида, инвесторларнинг қарорлар қабул қилишида ўз таъсирини ўтказади”[6], деба таъкидлайди.

A.Bárcena, L.López, M.Dirven, S.Malchik муаллифлигига чоп этилган “Foreign Investment in Latin America and the Caribbean” илмий-таҳлилий қўлланмада Лотин Америкаси давлатларнинг халқаро рейтинглардаги ўрни таҳлил этилган, уларнинг рейтинглардаги поғонаси минтақада жойлашган эркин иқтисодий зоналардаги хорижий инвестициялар оқимига кўрсатган таъсири баҳоланган. Қолаверса, мазкур минтақадаги оффор ҳудудлардаги ноқонуний даромадаларнинг кескин ошиши Лотин Америкаси давлатлари (Аргентина, Бразилия, Мексика)нинг халқаро рейтинглардаги ўрнига ўзига хос салбий таъсири кўрсатганлиги таъкидланган [7].

Россиялик иқтисодчи олимлардан В.И.Баронов ва Г.М.Костюнина томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида[8], замонавий интеграторларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро рейтинглардаги давлатларнинг ўрни хорижий инвесторларни инвестиция қайтичининг норасмий кафолати ва инвестицион қарорлар қабул қилишдаги муҳим тавсия эканлиги таъкидланади. Шунингдек, минтақада жойлашган эркин иқтисодий зоналарга киритилган хорижий инвестицияларнинг катта қисмида мазкур тавсияларнинг таъсири мавжудлиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек, маҳсус иқтисодий зоналарга хорижий инвестициялар оқимига таъсири этувчи омиллардан бири мамлакатнинг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрни муҳим эканлигини илмий-назарий жиҳатдан ўрганган олимлардан бири иқтисод фанлари доктори, доцент Ж.Каримқуловнинг илмий ишларида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги 5 йиллик ўрни таҳлил этилган ҳолда, хорижий инвесторларнинг мазкур рейтинг натижаларига бўлган муносабатларининг инвестиция оқимига таъсири ўрганилган[9].

Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2020 йилда эълон қилинган “Doing Business 2020 (Comparing Business Regulation in 190 Economies 2020)” тўпламида 190 давлатнинг иқтисодий ривожланиш ёки унинг аксинча ҳолати таҳлил этилган. Мазкур таҳлилий тўпламда қайд этилишича, иқтисодиёт тармоқлари учун хорижий инвестициялар оқимига мазкур халқаро ташкилот томонидан тузиладиган ва жаҳон миқёсида кенг эълон қилинадиган “Doing Business 2020” халқаро рейтинги ривожланаётган давлатларга инвестицияларни киритишда хорижий инвесторларнинг асосий қарор қабул қилиш мезонларидан бири ҳисобланади[10]. Эътиборлиси, мазкур халқаро ташкилотнинг “Бизнесни юритиш” рейтингининг 2019 йил натижалари юзасидан нашр этилган тўпламнинг “Special economic zones (Эркин иқтисодий зоналар)” бўлумида дунё миқёсида ушбу зоналарга инвестицияларни киритишда халқаро индекслар ва рейтинглар натижаларининг таъсири хорижий давлатлар ва йирик минтақаларда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар мисолида таҳлил этилган[11].

Халқаро рейтингларнинг мамлакат иқтисодиётiga таъсирини баҳолашда илмий изланишлар олиб борган Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Н.Жумаевнинг фикрича, “...аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинги, инвестициявий жозибадорлик рейтинги ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиқлиги, шаффоғлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэътироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади. Маълумотларга кўра, давлатлар мавқенини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекслар бор. Минг афсуски, баъзи бир рейтингларда умуман ўринга эга эмасмиз ёки қуий поғоналардан ўрин олганмиз. Сабаб эса бу борада тизим ва фаолият олиб борувчи орган бўлмаган. Аслида ўша рейтингда бизнинг реал ҳолатимиз юқори ўринни эгаллашга муносиб бўлиши мумкин”[12]

Ш.И. Мустафақуловнинг таъкидлашича, халқаро рейтинглар иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда инвесторлар учун йўналтирувчи тавсиялар ҳисобланади. Ҳар бир давлат бу рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши учун иқтисодиётни либераллаштиришга, ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қиласди. Бу, ўз навбатида, мамлакаттинг имиджларидан бири бўлган эркин иқтисодий худудларга хорижий инвестиция оқимини фаоллаштиришга ижобий таъсири кўрсатади [13].

Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази Швейцариянинг “Pease Nexus” фонди ёрдамида “Кўшма Ҳаракатлар Тадқиқоти” (Participatory Action Research-PAR) лойиҳаси методологиясига асосланган ҳолда 100 дан ортиқ интервьюлар, сўрвномалар ўтказди. Мазкур сўрвномаларда иштирок этган мамлакатимизда фаолият олиб борувчи маҳсус иқтисодий зоналарнинг бир тури бўлган эркин иқтисодий зоналардаги хорижий инвесторларнинг каттагина қисми Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва рейтинглардаги ўрнини доимий қузатиб бориши, улар томонидан қабул қилинадиган инвестиция қарорларида бу аҳамиятли эканлигини қайд этишган [14].

Юқорида кўриб чиқилган илмий-назарий ишларда мамлакатнинг инвестиция салоҳиятига таъсири этувчи ва хорижий инвесторларнинг айнан қайси халқаро рейтингларга аҳамият беришига умумий ёндашилган. Маҳсус иқтисодий зоналардаги инвестиция оқимига халқаро рейтингларнинг аҳамияти тизимли ёритилмаган. Уларга таъсири этувчи омиллар етарлича тавсифланмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақолада айнан ушбу жиҳатларга эътибор қаратилади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақола давомидаги илмий тадқиқотлар давомида илмий-назарий қарашларни қиёсий солишитириш, статистик маълумотларни вербал шарҳлаш, индукция ва дедукция, инвестицион омилларни тизимлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши учун табиийки молиявий ресурслар оқимининг фаоллашуви, уларни жалб қилишдаги узлуксизлик талаб этилади. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва инфратузилма тармоқларини ривожлантириш мақсадида тузиладиган маҳсус иқтисодий зоналар фаолиятини хорижий инвестициялар ҳисобига такомиллаштириш, уларга замонавий технологияларни жалб этиш, рақамли технологиялар орқали иқтисодий бошқарув механизмларини модернизатсиялаш – бугунги кун иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.


Бизнингча маҳсус иқтисодий зоналар фақатгина мамлакат ичкарисида эмас, балки мамлакатга нисбатан ташқарида, яъни анклав[15] тарзда ҳам жойлашиши мумкин.

Хусусан, Ўзбекистонга қарашли бўлган Фарғона вилояти таркибига киритилган Сўх тумани Кирғизистон Республикаси худудида жойлашган. Агар ушбу ерларда маҳсус иқтисодий зона ташкил этилса, Ўзбекистон учун экск-

лав махсус иқтисодий зона бўлиб, Қирғизистон Республикаси учун анклав худуд ҳисобланади.

Бу борадаги муаллифлик таърифи юқоридаги моделда келтирилди.

Махсус иқтисодий зона (МИЗ) – республика худудида ва унга нисбатан анклав тарзда жойлашган алоҳида ажратилган худуд бўлиб, инвестицион фаоллик натижасида муайян худуд ёки соҳани иқтисодий-ижтимоий ва инновацион ривожлантириш мақсадида, тариф ёки нотариф механизмлар орқали иқтисодий-молиявий имтиёзлар тадбиқ этиладиган махсус тартиботли худуддир.



1-расм. МИЗларнинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи модель

Манба: Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузиленган.

Бу борада, республикамизда халқаро майдонда етакчи ва нуфузли ташкилотлар, молия институтлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ҳар йили эълон қилиниб бориладиган соҳалар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда тобора юқори поғоналарга кўтарилиш орқали мамлакатга хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, халқаро рейтингларга юқори ўринларга интилиш баробарида инвестициявий жозибадорликни янада оширишга қаратилган муҳим таркибий ислоҳотларни ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад нафақат янги иш ўринларини яратиш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини ошириш бўйича муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади, балки миллий иқтисодиётни халқаро бозорга интеграцияшган ҳолда замонавий юқори технологияли, импорт ўрнини босувчи ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни мамлакали мутахассислар томонидан замонавий технологияларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва қувватларни ошириш ҳисобланади.

Иқтисодиётда махсус зоналарнинг мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, ички бозорларни си-

фатли маҳсулотлар билан тўлдириш, замонавий технологиялар ва innovatsion ишланмалар, замонавий корпоратив бошқарув усусларини жорий этиш, бандликни ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумини кўпайтириш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш имкониятини яратади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида 21 та эрkin иқтисodий зоналар (ЭИЗ) мавжуд бўлиб, улардан 19 таси саноат, 1 таси қишлоқ хўжалиги ва 1 таси туризм соҳасига ихтисослашган. 2008 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда эрkin иқтисodий зоналар худудларида 2,4 миллиард долларлик жами 448 та лойиҳалар амалга оширилди. Умумий суммадан 764,6 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар ҳисобига 34 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги Ангрен ЭИЗ (730,7 млн долларлик 73 та лойиҳа), "Ургут" ЭИЗ (312,9 млн долларлик 55 та лойиҳа), "Навоий" ЭИЗ (282,8 млн долларлик 53 та лойиҳа) ва "Буҳоро-агро" ЭИЗда (325,1 млн долларлик 112 та лойиҳа) амалга оширилди. 2020 йил якунига қадар фаолият кўрсатаётган ЭИЗ худудларида умумий қиймати 487,4 млн долларга teng бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар замонавий иссиқ-


хоналар қуриш (204,7 млн долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 млн долларлик 18 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё саноати (50,6 млн долларлик 13 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (15,9 млн долларлик 10 та лойиҳа), тўқимачилик саноати (20,1 млн долларлик 8 та лойиҳа), машинасозлик (6 млн долларлик 2 та лойиҳа), чарм-пойаббзал саноати (14,9 млн долларлик 5 та лойиҳа), электротехника саноати (13,7 млн долларлик 3 та лойиҳа), фармацевтика саноати (56,3 млн долларлик 6 та лойиҳа), мебель ва қофоз ишлаб чиқариш (1,1 млн долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди[16].

Таъкидлаш керакки, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаолигини ошириш учун бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Таъсир этувчи омиллар икки йирик гурӯҳга,

яъни ички ва ташқи омилларга ажратилган. Тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб, ташқи омилларнинг энг муҳимлари сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- халқаро иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳамкорлик ташкилотларига аъзолик;
- халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтинглар ва индекслар;
- жаҳонда юз берадиган иқтисодий ҳолат (иқтисодий-молиявий инқизорлар, инфляция жараёнлари, пул-кредит соҳасидаги ўзгаришлар).

Махсус иқтисодий зоналарга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш орқали ушбу саноат зоналаридағи инвестицион фаолликни ошириш имкониятлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконияти юзага келади.



2-расм. Махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция оқимиға таъсир кўрсатувчи омиллар

Манба: Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузиленган.


Таъсир этувчи омиллар орасида ҳозирги кунда асосий аҳамият касб этиб бораётган омиллардан – халқаро рейтинглар Ўзбекистондаги махсус иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Буни қуйида тасвирланган махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция оқимиға таъсир кўрсатувчи омиллар гурӯҳида ҳам яққол кўри-

шимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон Қарори, 2020 йил 2 июнядаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда

давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги ПФ-6003-сон Фармони мазкур соҳанинг нақадар долзарб аҳамият касб этиши, ушбу йўналишладаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Алоҳида қайд этиш лозимки, халқаро индексларни тузувчи халқаро ташкилотлар тегишли даврлар бўйича давлат органлари томонидан эълон қилинган очиқ маълумотлар ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг (World Economic Forum, World Bank, International Monetary Fund, UN, Transparency International ва бошқалар) рейтинг ҳисоботлари натижаларига асосланади.



3-расм. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини[18]

Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда ўрнини қуидаги икки йўналиш бўйича изоҳлаш мумкин:

- индикаторлар кўрсаткичининг ўзгариши: Бизнес юритиши индекси таркибидаги 10 та йўналишнинг 9 тасида (тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишдан ташқари), Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги (суд фаолияти самарадорлиги кўрсаткичидан ташқари) барча индикаторларда 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсишга эришган;

- индикаторлар ўрнининг пастлиги: турлари бўйича энг сўнгги рейтинг натижаларига кўра, Бизнес юритиши индекси таркибидаги 3 йўналиш (курилиш учун рухсатномалар олишда 132-ўрин, халқаро савдода 152-ўрин ва тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишда 100-ўрин), Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги 6 йўналиш (суд фаолияти самарадорлигида 123-ўрин, давлат яхлитлигида 142-ўрин, монетар эркинлиқда 175-ўрин, савдо эркинлигида 129-ўрин, инвестициялар эркинлиқда 169-ўрин ва молиявий эркинлиқда 162-ўрин) индикатори жуда паст кўрсаткич сифатида баҳоланган. Охирги тўрт йил давомида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш борасида кўплаб, шу жумладан, халқаро рейтинг ва индексларда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди.

Бу ютуқларни Ўзбекистон Республикасининг 2011-2020 йиллардаги халқаро рейтинг ва

индекслардаги динамикаси орқали кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг Бизнес юритиши индекси бўйича 2020 йил 2011 йилга нисбатан 81 та поғонага, Иқтисодий эркинлик индекси бўйича 49 та поғонага ҳамда Инсон камолоти индекси бўйича эса 7 та поғона (2020 йилги рейтинг натижалари 2020 йил декабр ойида эълон қилинишини ҳисобга олиб, 2019 йил якунларига нисбатан олинди)га юқорилаб, бу борада бир қанча ютуқларга эришаётганини кўриш мумкин[17].

Мазкур кўрсаткичларнинг хорижий давлатлар билан таққослаш учун айтиш мумкинки, 2020 йилги рейтинг натижаларига кўра, Бизнес юритиши ва Иқтисодий эркинлик индексида Янги Зеландия, Гонг Конг ҳамда Сингапурни юқори 3 талик давлатлар қаторида кўриш мумкин. Индикаторлар бўйича рейтинги юқори давлатлар таҳлил қилинганда, Янги Зеландия Бизнес юритиши индексининг корхоналарни рўйхатдан ўтказиш (100.0) ва кредит олиш индикаторида (100.0), Сингапур контрактлар ижросини таъминлашда (84.5) ҳамда Гонг Конг қурилиш учун рухсатнома олишда (93.5) дунёда етакчилик қилади. Ушбу давлатларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини таққослаган ҳолда қуидаги жадвалда келтириш ўринлидир:

Мазкур натижалар Ўзбекистоннинг ўрнини янада аниқ тасаввур этиш ва тегишли хуласаларни шакллантиришга имконият беради.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, махсус иқтисодий зоналарнинг бири тури ҳисобланган эркин иқтисодий зоналарга жалб

INNOVATSIYA VA INVESTITSIYA

қилинганди инвестициялар ва уларда хорижий инвестицияларнинг улушкини кўриш мақсадга мувофиқдир.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни [18]

Бизнес юритиш					Иқтисодий эркинлик индекси					Инсон камолоти индекси				
№	Индикаторлар	2019	2020	+/- балл	№	Индикаторлар	2019	2020	+/- балл	№	Индикаторлар	2018	2019	+/-
1	Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	95.8	96.2	+0.4	1	Мулкчилик ҳукуқи	49.8	59.1	+9.3	1	Умр кўриш давомиyllиги	71.4	71.6	+0.2
2	Қурилиш учун рухсатнома олиш	61.4	61.7	+0.3	2	Суд фаoliyati самарадорлиги	34.3	34.2	-0.1	2	Кутмалаётган таълим йиллари	12.0	12.0	0
3	Электр таъминоти тизимиша уланиш	86.1	86.9	+0.8	3	Давлат яхлитлиги	25.2	28.2	+3.0	3	Ўртacha таълим йиллари	11.5	11.5	0
4	Мулкни рўйхатдан ўтказиш	66.6	67.9	+1.3	4	Солиқ юки	91.3	91.6	+0.3	4	Аҳоли жон бошига ЯМД (АҚШ долларида)	6470	6462	-8.0
5	Кредит олиш	65.0	65.0	0	5	Давлат харажатлари	67.4	74.7	+7.3					
6	Миноритар инвесторни ҳимоя қилиш	60.0	70.0	+10.0	6	Фискал саломатлик	98.7	98.9	+0.2					
7	Соликлар тўлови	76.9	77.5	+0.6	7	Бизнес эркинлиги	72.5	72.6	+0.1					
8	Халқаро саёдо	49.8	58.2	+8.4	8	Мехнат бозори эркинлиги	58.7	59.9	+1.2					
9	Контрактлар ижросини таъминлаш	67.3	71.9	+4.6	9	Монетар эркинлиги	58.9	59.9	+1.0					
10	Тўловега қобилиятызизликни ҳал қилиш	45.2	43.5	-1.7	10	Саёдо эркинлиги	62.6	67.6	+5.0					
					11	Инвестициялар эркинлиги	10	20	+10					
					12	Молиявий эркинлик	10	20	+10					

2-жадвал

Хорижий давлатларнинг халқаро рейтинглардаги ўрни[18]

Бизнес юритиш					Иқтисодий эркинлик индекси						
№*	Давлатлар	2019	2020	+/- балл	№*	Давлатлар	2018	2019	+/- балл		
1	Янги Зеландия	86.6	86.8	+0.2	1	Сингапур	89.4	89.4	0		
2	Сингапур	85.2	86.2	+1.0	2	Гонг Конг	90.2	89.1	-1.1		
3	Гонг Конг	84.2	85.3	+1.1	3	Янги Зеландия	84.4	84.1	-0.3		
...					...						
25	Қозогистон	77.9	79.6	+1.7	39	Қозогистон	65.4	69.6	+4.2		
28	Россия	77.4	78.2	+0.8	88	Беларусия	57.9	61.7	+3.8		
49	Беларусия	75.8	74.3	-1.5	94	Россия	58.9	61.0	+2.1		
...					...						
69	Ўзбекистон	67.4	69.9	+2.5	114	Ўзбекистон	53.3	57.2	+3.9		

**Эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот,
2019 йил ҳолатига [19]**

№	Эркин иқтисодий зона номи	Жами амалга оширилган лойиҳалар			
		сони	қиймати (млн. долл.)	шундан, хорижий инвестиция	иш ўринлари сони
	Ўзбекистон Республикаси бўйича	194	1191,9	389,4	13 363
1.	"Нукус-фарм" ЭИЗ	3	16,2	3,9	430
2.	"Фиждуон" ЭИЗ	13	44,9	0,0	776
3.	Бухоро-агро ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
4.	"Жиззах" ЭИЗ	16	106,5	55,9	1 614
5.	"Навои" ЭИЗ	32	170,9	50,0	1 269
6.	"Наманган" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
7.	"Ургут" ЭИЗ	31	102,3	19,6	1 634
8.	"Сирдарё" ЭИЗ	21	75,2	26,5	1 332
9.	"Сирдарё-фарм" ЭИЗ	3	51,0	0,0	516
10.	"Термиз" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
11.	"Ангрен" ЭИЗ	50	585,3	221,4	4 409
12.	"Чорвоқ" ЭТЗ	0	0,0	0,0	0
13.	"Қўқон" ЭИЗ	19	32,2	10,4	1 216
14.	"Ҳазорасп" ЭИЗ	5	7,1	1,7	157

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналардаги лойиҳаларнинг қиймати жами 1191,9 млн АҚШ доллар (шундан, 389,4 млн. АҚШ доллари хорижий инвестиция)ни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар орқали 13363 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган.

Эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган инвестицияларнинг атиги 32,6 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этгани улардаги ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорлик ҳолатини янада яхшилаш лозимлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни айрим соҳаларда юқорига кўтарилиган бўлса, айримларида пастлаган. Албатта, бошқа ривожланаётган хорижий давлатларнинг кўрсаткичларига нисбатан кўпгина халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз поғонаси-ни юқорига олиб чиқиш долзарблигича қолмоқда.

Халқаро рейтинглардаги Ўзбекистоннинг ўрни хорижий инвестициялар оқимини фаоллаштириш, шу жумладан маҳсус иқтисодий зо-

наларга хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим ўринга эга. Сабаби, ушбу зоналарга келувчи хорижий инвесторлар инвестиция қарорларини қабул қилишда халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнига ҳисобга олади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида қуидагиларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

- Ўзбекистонда халқаро рейтинглар билан шуғулланувчи алоҳида давлат ташкилотини ташкил этиш. Ушбу ташкилот вазирликлардан мустақил равишда фаолият юритиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги позициясини доимий мониторинг қилиб боради;

- "Глобал рақобатбардошлиқ", "Иқтисодий эркинлик", "Логистика самарадорлиги", "Бизнес юритиш" каби халқаро индексларда муносиб ўрин эгаллаш борасида илмий-тадқиқот ва амалий давлат грантларини эълон қилиш орқали мазкур рейтинглардаги мамлакатимиз позициясини яхшилаш бўйича илмий-назарий тавсияларни ишлаб чиқишига ва самарали иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларини шакллантиришга эришиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни. 2020 йил 17 февраль, ЎРҚ-604-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4210-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимили ишлашнинг янги механизмини жорий қилиши тўғрисида"ги ПФ-6003-сон Фармони.
4. Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 бет.
5. <https://worldinvestmentreport.unctad.org/world-investment-report-2019/chapter-4-special-economic-zones/>
6. Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.
7. Alicia Bár cena, Laura López, Martine Dirven, Susana Malchik. Foreign Investment in Latin America and the Caribbean, 2008 https://repositorio.cepal.org/bitstream/handle/11362/1139/1/S0900391_en.pdf

8. Баронов В.И., Костюнина Г.М. Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с
9. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишини ривожлантириш ўйналишлари 08.00.07 – “Молия, нул муомаласи ва кредит” иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автограферати. Тошкент – 2019
10. worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf
- 11.<https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingsBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2018-Full-Report.pdf>
12. Жумаев Н.Х. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни нима учун керак?. <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-khalqaro-rejtinglardagi-orni-nima-uchun-kerak>
13. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозыбадорлығы: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. "Iqtisod-Moliya", 2011. 326-бет.
14. "Taraqqiyot Strategiyasi" марказы тақдикат натижалари асосида. www.strategy.uz
15. Анклав (лат. Inclavare – қалит билан құлғлаш, инг. enlave, фр. anclave) – бир давлатнинг барча тарафдан бошқа бир давлат (ёки бир нече давлаттар)нинг қуруқликдаги ҳудуди билан құршаб олинған ҳудуди (худудининг қисми). Анклавға масалан, Жанубий Африка Республикасы ҳудуди билан ҳар тарафлама құршаб олинған Лесото қироллиги, Франциядаги Шарқий Пиренея департаменти ичида жойлашган Испаниянинг Ливия шаҳарчаси киради. Агар бир давлат қуруқликдаги ҳудуди деңгиззә чиқиши ўюли мавжудларынан сабабли бошқа бир давлат ҳудуди билан қисман үраб олинған ҳолатда у ярим Анклав деб номланади. (Масалан, Зоир провинциясы бўлган Киншаса томонидан Анголадан ажralиб турадиган Кабинда округи). Манба: Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Р.А.Мұхитдинов ва бошқ. – Т.: Адолат, 2010. 24-бет
16. <https://mift.uz/uz/menu/svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana-itogi-2020-goda-i-perspektivy-razvitiya-na-2021-god>
- 17.http://mineconomy.uz/uploads/Ozbekiston_Respublikasi_xalqaro_reytinglarda_amalga_oshirilgan.pdf
18. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалларни қисқартыриши вазирилгининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. Манба: <http://mineconomy.uz>
19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилги маълумотлари.



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУГУРТАЛАШНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Хошимов Сабир Муртазаевич -
ТМИ «Баҳолаш иши ва инвестициялар»
кафедраси катта ўқитувчиси**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a18

Аннотация: Мақолада мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда мұхим аҳамиятга эга бўлган хорижий инвестициялар ва уларни сугурта воситасида ҳимоялаш механизми кўриб чиқилган. Шунингдек, инвестиция рисклари ва уларнинг таснифи, сугурта воситасида инвестиция рискларини бошқаришининг мазмуни келтирилган.

Асосий тушунчалар: инвестиция мұхити, хорижий инвестициялар, инвестиция рисклари, сугурта мукофотлари, инвестицияларни сугурталаш обьекти, инвестицияларни сугурталаш предмети, қайта сугурталаш, сугурта компаниялари.

АНАЛИЗ СТРАХОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Хошимов Сабир Муртазаевич -
Старший преподаватель кафедры
«Оценочное дело и инвестиции» ТФИ**

Аннотация: В статье рассмотрены иностранные инвестиции, имеющие важное значение в развитии экономики страны, и механизм их защиты посредством страхования. Также приведены инвестиционные риски и их классификация, сущность и содержание управления инвестиционными рисками в страховании.

Основные понятия: инвестиционный климат, иностранные инвестиции, инвестиционные риски, страховые премии, объект страхования инвестиций, предмет страхования инвестиций, перестрахование, страховые компании.

ANALYSIS OF FOREIGN INVESTMENT INSURANCE IN UZBEKISTAN

**Khoshimov Sabir Murtzaevich -
Senior lecturer of the department
«Valuation and Investments» TFI**

Annotation: The article examines foreign investments, which are important in the development of the country's economy, and the mechanism of their protection through insurance. Also given are investment risks and their classification, the nature and content of investment risk management in insurance.

Basic concepts: investment climate, foreign investments, investment risks, insurance premiums, investment insurance object, investment insurance subject, reinsurance, insurance companies.